



ISSN 2181-6875

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
ILMIY AXBOROTI**

**2/2018**

## • ANIQ VA TABIIY FANLAR

- Джураев Д.Р., Шарипов М.З., Хайитов Д.Э. Магнитооптические свойства феррита-граната  $\text{tb}_{0.2}y_{2.8}\text{fe}_{5.0}z_2$  вблизи температуры спиннериориентационного фазового перехода ..... 2  
 Умаров С.Х., Халлаков Ф.К. Стационарные характеристики фотопроводимости монокристаллов  $\text{TiInS}_2$  ..... 6  
 Гулямов Г., Эркабоев У.И., Шарибаев Н.Ю., Мирзакаримов М.М., Узоков Ф.Г., Мирзаев Ж.И. Моделирование температурной зависимости осцилляций Шубникова-де Гаца в полупроводниках ..... 11  
 Рахимов У.Х., Собиров Ш.А. Исследование влияния высокотемпературной обработки на электрофизические свойства и параметры эпитаксиальных структур на основе GaAs ..... 17  
 Дурдиев У.Д. Задача определения ядер из двумерной системы интегро-дифференциальных уравнений Максвелла ..... 21  
 Рахмонов К.С., Исабаев И.Б., Атамуратова Т.И. Использование кормовых мучек в качестве субстрата питательной среды пшеничных заквасок в производстве хлеба ..... 27  
 Жураев Ф.М. Задача типа геллерстедта для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа ..... 33  
 Narziyev U.Z., Rajabov B.N. Dasturlanuvchi mantiqiy integral sxema imkoniyatlarini bosqarish ..... 40  
 Jalolova P.M., Abdulazizov B.T. Innovatsion texnologiyalar vositasida atom orbitalarini modellashtirish ..... 44  
 Атауллаев Ш.Н., Фозилов С.Ф., Мавлонов Ш.Б., Фозилов Х.С. Исследование процесса деструктивной гидрогенизации деафальтизата тяжелых нефтей в присутствии никель-молибденовых катализаторов ..... 48  
 Donyorov B.N. Vitaminlarning inson hayotidagi roli ..... 53  
 Шамсиев Н.А., Атоева Р.О., Кенжаев О.К. Қорамол катта қорнидаги ҳазм жараёнга мис ва унинг қатион табиятли антогонистларининг якка ва қўш тасири ..... 57
- TILSHUNOSLIK
- Бушуй Т.А. Возникновение языкового множества ..... 62  
 Pardayeva Z.J., Murtazayeva F.R. Применение инновационных технологий на занятиях литературы ..... 66  
 Назарова С.А. Сўз биримларининг вазифаси ва янги атов биргиларни ..... 70  
 Бабакулов И.Т. Об изучении систем слово-образовательных категорий (СК) имен существительных русского и узбекского языков ..... 73  
 Мүминова А.А. Модаллик ва ундаш категорияси: ундаш категориясининг лингвистик мақоми ..... 77  
 Одилова Г.К. Ўзбек, рус, инглиз гастрономик олам миллый манзарасида "Нон" плютонимининг ўрни ..... 82  
 Марккова Р.У. Социолингвистический анализ фразеологических единиц ..... 86  
 Абдурахманов Ф.И. Диагностический метод в изучении лексико-семантических групп глаголов ..... 90  
 Rakhmatova M.M. Injilda "go'zalik" tushunchasi talqini ..... 93  
 Ботирова А.Э. Сўз туркмепарининг бирламчи ва иккимичи визифалари ..... 97  
 Попов Д.В. Спорные вопросы периодизации русского литературного языка ..... 102  
 G'ulomova Sh.Q. Evfemizmning o'rganilish tarixi va tasnifi ..... 107  
 Kadirova N.A. Bichish-tikish hunariga oid o'zbekcha atamalarining inglizcha talqini xususida ..... 112  
 Ортикова Х.М. Тил – маданият қўзғуси ..... 116  
 Сапарова М.Р. Бадий таржимада персонажлар нуткими бериш муаммолари ..... 119  
 Турсалиева Д.С. Лисоний имкониятларининг бадий воқёланиси ..... 125  
 Хасanova О. Қ. "Дунёнинг ишлари" асари фонопоэтикаси (ўзбек ва немис тилларида) ..... 129  
 Ro'ziyeva S.H. O'zbek tilshunosligida modellashtirishning o'ziga xos xususiyatlari ..... 133
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- Ўраева Д.С. Ақодирий романларида жаҳон романчилиги анъаналарининг акс этиши ..... 138  
 Кувватова Д.Х. Садриддин Айний ва ўзбек насли тараккиёти ..... 142  
 Рӯзиева М.Ё. Ҳалқ достонларида оқ, кора, қизил ранглар рамзилиги ҳақида ..... 145  
 Бердиев Х.Х. «Девону луготит туро» асаридаги шеърий парчаларда сөнгечизм ҳодисаси ..... 149

- Tұхсанов Қ.Р. Жалолиддин Румийнинг "Маснавий маънави" асарда аёл образы бадий талқини ..... 153  
 Давронова Ш.Ф. Тарихи воқелик тасвири: ўзбек ва жаҳон адабий анъаналарининг бадий синтези ..... 159  
 Давронова М.И. Усмон Азим икодида жаңрлар масаласи ва унда услуб бирлiği ..... 163  
 Мажитова С.Ж. Слова, обозначающие части тела, в газелях Джами ..... 168  
 Темирова Дж.Х. Приемы и средства сатирической литературы XX века ..... 173  
 Махмудова Н.С. Хитой адабаси Би Шумин икодида инсон рухиятининг ифодаланиши ..... 177  
 Sayidova R.A., Sayidova L.A. She'riy matnda paradigmatic minosabatlar ..... 181
- NAVOIY GULSHANI
- Эшонкулов Ҳ.П. Гайр нақшидин ҳамул кул бирла пок этти сипех ..... 188
- FALSAFA VA HUQUQ
- Абдуллаева Ф.Ш. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг баркарор ривожланиши йўлида ..... 191  
 Шоев И.Х. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан – мощный импульс для поступательного движения по пути реформирования и модернизации страны ..... 194  
 Rakhmatova M.M. Yoshlar ma'naviy salohiyatini yuksaltirishda o'zini-o'zi bosqarish organlarining o'mi va roli ..... 198  
 Самадова С.С. Ҳаракатлар стратегияси" ва миллатларо тутувлиг муммомлари ..... 204  
 Turdiyev B.S. Ma'naviy yangilanish: yangi qaror va hayotbaxsh islohotlar strategiyasi ..... 208
- TARIXSHUNOSLIK
- Наврузов С., Артиков Х. Вопросы государственного управления Хивинского ханства в востоковедческой литературе конца XIX- начала XX вв (историография проблемы) ..... 214  
 Ўтаева Ф.Х. Мангит ҳукмдорларининг фаолияти ва шахсияти мустакиллик йилларида даврий матбуот тақпинида ..... 219  
 Хайитов Ж.Ш. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда узум янги навларининг тарқалиш тарихи ..... 224
- IQTISODIYOT
- Қажкоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёнини самарали бошқаришга оид назарий ёндашувлар ..... 230
- PEDAGOGIKA
- Акбаров А.А. Стратегии аргументации и вежливости для усиления языковой компетенции у студентов категории с1/с2, изучающих английский язык как второй иностранный язык ..... 237  
 Ergashov M.Ya., Ochilova M.K. Umumiy kimyo fanidan moodle tizimida qo'llaniladigan testlar va ulardan foydalanish ..... 244  
 Салимов Ф.М. 7-10 ўёшли болалар жисмоний тарбиясида миллый ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуслари ..... 248  
 Олимов Л.Я., Остонов Ж.Ш. Эксперт-психолог фаолиятида қиёға ва визуал психодиагностиканинг аҳамияти ..... 251  
 Qurbonova O.U. Abu Nasr Forobiyning "Fozil odamlar hahri" asarida ta'lif-tarbiya asalalari ..... 257  
 Ибрагимов М.Б. Буҳоро вилояти футбол мактабининг иш таҳлили ..... 263  
 Ибрагимов А.К., Жабборов И.Б. Бошлангич тайёрлов гурухларида шугулланувчи спортчиларнинг чаққонлик сифатларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг ўрини ..... 267
- SAN'ATSHUNOSLIK
- Abdullayev Y.Z. Qadimiy va navqigon Buxoro me'morchiligi ..... 271  
 Murodov Sh.K., Tashimov N.E., Mamurova D.I. Simmetriya tekisligiga ega bo'lgan ikki sirting kesishish chizig'ini yasashning analitik usuli ..... 274  
 Gulova A.A. Buxoro me'morchiligidagi minoralar va minorasimon qurilmalarining o'ziga xos jihatlari ..... 278
- QUTLOV
- Эргашов М.Я., Бекова Н.Ж. Собиров Толиб Рўзиевич кутлуг 60 ёшда ..... 282
- XOTIRA
- Рашидов Умар Жўраевич ..... 284
- E'LON
- "Буҳоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари ..... 285-286

УДК 37.037.1:796.332 (575.146) – 053.5

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ФУТБОЛ МАКТАБИНИНГ ИШ ТАҲЛИЛИ  
АНАЛИЗ РАБОТЫ ФУТБОЛЬНОЙ ШКОЛЫ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ  
THE ANALYSIS BUKHARA SOCCER SCHOOL ACTIVITY**

**Ибрагимов Манучехр Бахтиёрович**

БухДУ Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси доценти в/б

**Таянч сўзлар:** таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт, педагогик фаолият, маҳорат мактаби.

**Ключевые слова:** образование и воспитание, физическая культура и спорт, педагогическая деятельность, школа мастерства.

**Key words:** education and upbringing, physical education and sport, pedagogical activity, school of expertise

Ушбу мақолада мамлакатимиз футболининг ривожланишида ва маҳоратли футболчиларни тарбиялашда Бухоро вилояти З-сон ИБЎОЗМ (футбол мактаби)нинг аҳамияти ҳақида айтиб ўтилган ва керакли таклифлар киритилган.

В данной статье определено значение воспитания футболистов в специализированной футбольной школе олимпийского резерва № 3, кроме того представлены некоторые рекомендации и предложения.

*The article discusses the importance of Bukhara oblast football school № 3 in the development of sport in Uzbekistan and training qualified football players. Recommendations and suggestions have also been presented in the article.*

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги 410-сонли "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳузуридаги Болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу Қарорга асосан жойларда турли спорт йишлоотлари қуриб, фойдаланишга топширилганлиги ва ушбу иншотларда минглаб болалар спортнинг 30 дан ортиқ турлари билан шугулланаётганлиги бугунги кунда Ўзбекистонда болалар спортига берилаётган эътиборнинг ёрқин намунасиdir. Ушбу яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, болаларни спортга янада кенг жалб қилиш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш барчамизинг, айниқса, соҳа вакиллари, мутахассислар олдида турган вазифалардан саналади.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида футболчилар ва мураббийларнинг бир неча авлоди алмашди. Терма жамоалар турли миқёсдаги халқаро мусобақаларда иштирок этиб, муайян ютуқларга эришдилар. Жумладан;

1991 йилда Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Футбол Федерацииси (ЎФФ) 1994 йилдан бошлаб, Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК) ҳамда ФИФАнинг тўлақонли аъзосига айланди. Шу йўл билан мамлакат жамоалари йирик халқаро турнирларда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Жаҳон ва Осиё чемпионати баҳслари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари мусобақалари ўз навбатида Федерация раҳбарларини, футбол мутахассислари, мураббийлар ва барча даражадаги мураббийларига бўлган муносабатларини тиклаш ва қайта йўлга кўйиш имкониятини яратиб берди.

1994 йилда илк бор ёш мустақил республика элчилари Японияда ўтказилган XII Осиё ўйинларида – Осиё минтақасидаги йирик спорт форумида таништирилдилар. Олтин медаль совриндорлари номи учун курашда ўзбек футболчилари Саудия Арабистони (4:1), Малайзия (5:0), Гонконг (1:0) ва Таиланд (5:4) терма жамоалари устидан ғалаба қозондилар. Чорак финалда Туркманистон терма жамоасини 3:0 ҳисобида, ярим финалдаги шиддатли ва ўта мурakkab ўйинда Жанубий Кореяning кучли жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Ниҳоят, финалда Хитой терма жамоасини 4:2 ҳисоби билан енгдилар.

2000 йилда футзал, яъни мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати иккинчи ўринни эгаллади.

2002-2003 йилларда Ўзбекистоннинг ёшлар терма жамоаси футболчилари катта ютуқларга эришдилар. Қатарда Таиланд терма жамоасини 4:0, Қатарни 5:4 ҳисобида енгид, сўнг Жанубий Кореяга 0:2 ҳисобида ғалабани бой берид, футболчиларимиз чорак финалга йўл олди ва унда Саудия Арабистонини 4:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Ярим финалда ўзбек футболчилари Япония терма жамоаси билан учрашдилар. Шиддатли ва қизгин ўтган ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисоб билан якунланди. 11 метрли зарбалар йўллашда японлар бир оз устунроқ чиқиб, 4:2 ҳисобида ғолиб бўлдилар.

Тўртинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дунёning энг кучли 16 жамоаси қаторида майдонга чиқиш имкониятини кўлга киритди.

Жаҳон чемпионати 2003 йилнинг декабрь ойида БААда бўлиб ўтди. Ўзбекистон футболчилари чиройли ва баҳамжиҳат ўйин кўрсатдилар, лекин 1/8 финалга чиқа олмадилар. Бироқ, мутахассислар ва ишқибозлар Ўзбекистон терма жамоаси ўйинини юқори баҳоладилар. Уч ўйин давомида улар ўз тенгдошлари билан кураш олиб бордилар, лекин Мали жамоасига (Африка чемпиони) 2:3, Аргентина термасига (айни пайтда жаҳон чемпиони) 1:2, Испания терма жамоасига (Европа чемпиони) 0:1 ҳисоби билан ғалабани бой бердилар.

2012 йил 22 сентябрь 6 октябрь кунлари Эрон давлатининг Техрон шаҳрида 16 ёшгача ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпиони бўлдилар ва жаҳон чемпионатига қатнашишга сазовор бўлдилар.

2018 йилнинг 9-27 январь кунлари Хитойнинг Чанҷоу шаҳрида ўтказилган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси олтин медални кўлга киритдилар. Қитъамизнинг энг яхши 16 терма жамоаси орасида тенгсиз бўлган, бунинг устига, миллий терма жамоамиз деярли енголмайдиган Япония ва Жанубий Корея футболчилари дарвозасига тўрттадан гол ура олган ёшларимиз ҳар қанча эъзозу эътирофга лойиқ. Ўзбек футболчилари халқаро спорт жамоатчилигига ўз салоҳиятини, Ўзбекистондек қурдатли юрт фарзандлари нималарга қодир эканини яна бир карра исботлади.

Мамлакатимизнинг ички чемпионати ҳам ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб турилади. 1992 йилдан 2017 йилгача бўлган вақт ичida Тошкентнинг "Пахтакор", "Бунёдкор", "Локомотив", Қаршининг "Насаф" ва Фарғонанинг «Нефтчи» клублари чемпионат етакчилари бўлиб келди.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар учун футбол бўйича кўпгина мусобақалар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда уюшган ҳолда футбол билан шуғулланувчилар 70 000 дан ортиқ, 320 дан зиёд футбол мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар мавжуд; терма жамоаларни тайёрлаш бўйича янги марказлар очилмоқда, 3 000 дан ортиқ мураббийлар ўрта ва олий жисмоний тарбия маълумотига эга.

Ёшларни жисмонан бақувват қилиш учун тарбиявий ишларни ҳар бир фан бўйича, таълим-тарбиянинг ҳамма босқичларида: жисмоний тарбия дарсларида, синфдан ташқари олиб бориладиган спорт машғулотларида, турар жойларда ўтказиладиган машғулотларда узлуксиз олиб бориш керак.

Инсоннинг жисмонан бақувват, соғлом бўлиб камол топишида, ҳамма спорт турлари билан бир қаторда спорт ўйинлари ҳам муҳим ўрин тутади. Футбол – она заминимизда энг оммалашган миллионлар севган спорт ўйинларидан биридир. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу спорт ўйинини турли ёшдаги кўплаб одамлар яхши кўриб ўйнашади.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, спортни, шу жумладан спорт ўйинларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида"ги қонуни 1992 йилнинг 21 январида, унинг янги таҳrirланган кўринишлари эса 27 май 1999 йилда, 4 сентябрь 2015 йилда қабул қилинди. Мамлакатимизда футболни ривожлантириш масаласи ҳам ҳукуматимиз эътиборидан четда қолмади. Унинг 1993 йил 18 мартағи «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамоилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» ҳамда 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ва фармонлари шулар жумласидандир.

Умумтаълим мактабларида футбол йўналиши бўйича синфларнинг, маҳсус спорт мактаб-интернатларининг ташкил қилиниши, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг очилиши давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда ушбу спорт тури ривожланишини ўз назоратига олганлигини кўрсатади.

Бу ишларнинг самараадорлигини ҳам Бухоро вилоятининг футбол мактаблари мисолида кўришимиз мумкин. Дастроба футбол мактаби тарихига назар ташлайдиган бўлсак, «Бухоро» футбол клубига қарашли З-сон ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар «Олимпия заҳирасида»ги маҳсус футбол мактаби 1965 йилда ташкил топган. Шу йилдан бошлаб футбол мактаби Собиқ иттифоқ терма жамоасида: Георгий Демакин, Равил Агишев, Ўзбекистон терма жамоасига: Рашид Юсупов, Владимир Собиров, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига: Валерий Касянов, Абдуҳамид Азимов, Эдуард Дуднев, Ҳалим Рахатов, Анвар Жабборов, Андрей Захаров, Игорь Кичигин, Марсель Сафин, Павел Харитонов, Усмон Тошев, Николай Сергеенко, Юрий Агеев, Азим Ҳожиев, Нурулло Ҳабибов, Владислав Ҳабибов, Илҳом Ҳамдамов, Абдурасул Рашидов, Геннадий Мергенеев, Юрий Тулайкин, Акмал Чориев, Нодир Жўраевлар маҳорат билан тўп сурғанлар.

1979 йилда «Пахтакор»чилар таркибида авиаҳалокатга учраган Владимир Собиров ва Равил Агишевлар ушбу мактабда тарбия олган. Кейинги йилларда ушбу мактаб тарбияланувчиларидан Ўзбекистон ёшлар терма жамоасида: Шавкат Саломов, Ильдар Магдиев, Ляпин Альберт, Аҳмад Ниёзов, Шуҳрат Мусаев, Азиз Фаттуллаев, Азиз Фаттаев, Соҳиб Очилов, Жамшид Ҳасанов, Умрилло Рамазонов, Шавкат Раҳматов, Фарҳод Нурматов, Умед Муҳаммедов, Евгений Коченев, Солибек Каримов, Мироншоҳ Кудратов, Қурбон Сатаров, Арслон Аҳроров, Акобир Тўраев, Асрор Икромов каби футболчилар иштирок этиб келмоқдалар.

Ушбу мактаб футболчилари 1987-2006 йилгача Ўзбекистон республикаси БўСМлар ўртасида ва «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида фахрли II-III ўринларни, бундан ташқари, Халқаро ва Республика миқёсида мусобақаларда фахрли I-II-III ўринларни эгаллаб келмоқда. Мактабда кўплаб мураббийлар иш олиб борган. Жумладан, Ш.Т.Максумов, А.М.Червов, республика тоифасидаги ҳакам А.С.Караматов, ФИФА ҳаками Н.Р.Лутфуллин, республика тоифасидаги ҳакамлар Т.А.Дўстов, А.В.Кононенко, И.И.Сайфуллаев, С.С.Гулямов, С.С.Рахматов, Д.Э.Давлатов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз И.И.Шариповлар юқорида номлари келтирилган футболчиларни тайёрлашда ҳиссалари каттадир.

Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2007 йилги қарорига асосан З-сон ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар маҳсус футбол мактаби «Бухоро» футбол клубига беркитилди.

Ҳозирги кунда бу мактабда 15 нафар мураббий ишлаб келмоқда. Шулардан 10 нафар мураббий асосий, 5 нафар мураббий ўриндош сифатида фаолият юритиб келади. 1 нафар мураббий Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз, 10 мураббий I- тоифали, 3 та мураббий II-тоифали. 2012-2017 йилларда мураббийлардан 2 нафари Халқаро «A» лицензиясини, 4 нафари Халқаро «B» лицензиясини, 9 нафари Халқаро «C» лицензиясига эга бўлди.

«Бухоро» Ф/Кга қарашли З-сон ИБЎОЗФ мактабида 31 та гурӯҳ бўлиб, 478 та ўқувчи мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бошлангич тайёрлов гурӯҳида 10 та гурӯҳ бўлиб, 163 ўқувчи машқ қилиш гурӯҳида, 21 та гурӯҳ 290 та ўқувчи спорт маҳоратини ошириш гурӯҳи 2 та бўлиб, 25 ўқувчи шуғулланмоқда.

2016-2017 ўқув йилида 13 та ўқувчи спорт мактабини битириб пролига, суперлига ва иккинчи табақа жамоаларига қабул қилинди. Футбол мактаб тарбияланувчиларидан бири Тўраев Акобир Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига қабул қилиниб, 2012 йил 22 сентябр-6 октябр кунлари Эрон давлатининг Техрон шаҳрида 16 ёшгача ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида фахрли I ўринни эгаллаб, Осиё чемпиони номига сазовор бўлди. Мактабда 13 та ўқувчи ҳакамлик меъёрларини бажариб, ҳакамлик увонига сазовор

бўлди. 29 та ўқувчи катта ёшдаги I-спорт тоифасига, 254 та ўқувчи I-II-III-ўсмирлар футбол бўйича тоифаларини бажарди.

Ушбу натижаларга, эришишда қуидаги мураббийларидан Жамшид Ботиров, Тоштемир Дўстов, Дилшод Давлатов, Санжар Шарипов, Азamat Отаев, Дилшод Юлдашев, Андрей Волков, Зафар Разыков ва бошқаларнинг хиссалари каттадир. Мактаб спортчилари йил давомида 38 та мусобақада қатнашдилар. Шулардан 2 марта мусобақа спорт мактаб биринчилиги, 5 та вилоят биринчилигига, 9 марта ҳалқаро турнирида ҳамда 22 марта республика биринчилигига қатнашиб, фахрли ўринларни олишга муяссар бўлди. Йилдан-йилга мактаб футболчилари ўзларининг намунали ўйинлари билан ўз маҳоратларини ошириб бормоқдалар.

Ҳозирги кунга келиб, Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари мамлакатимиз спортида ўз ўрнига эга эканлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.

**Хулоса.** Ушбу мактабнинг ишини таҳпил қилиб, мактабда республика терма жамоасига номзод футболчилар етишиб чиққанлиги ва миллый терма жамоада ҳам бу ўйинчилар ўйнаганлиги маълум бўлди. Аммо, шу билан биргаликда охирги саккиз йил ичida бу мактабнинг биронта ўйинчиси миллый терма жамоага жалб қилинмаганлиги билинди. Бунга асосий сабаб мактабда асосан ёш мураббийларнинг иш фаолияти деган хулосага келдик. Бироқ охирги йиллардаги ушбу мактабнинг ёш мураббийлари ҳам сезиларни натижага эришгани маълум бўлди. Ҳозирги кунда (2017 йил) ушбу мактабнинг битирувчиларининг иккитаси "Бухоро" Ф/К жамоасига, тўққизтаси "Бухоро" Ф/К ўринбосарлар жамоасида ва иккита футболчи "Фиждувон" жамоасида ўйнайди.

Футбол мактабини таҳпил этиб, иш самарадорлигини ошириш учун қуидаги таклифларни киритмоқчимиз:

- мураббийлар ўқув-машғулот ва мусобақаларни ўтказиш учун стадионларни янада кўпайтириш;
- ҳар бир мураббий маҳоратли ўйинчини тарбиялаб беришини таъминлаш;
- ўқув-машғулотни ўтказиш учун янги инновацион технологик жиҳозлардан фойдаланиш (батут, футбол маникени ва бошқалар);
- шунга ўхшаш футбол мактабларни туманларда филиалларини ташкил этиш ва кўпайтириш.

Қўриниб турибдики, ушбу футбол мактаби жуда машҳур ва республикамида таникли мутахассисларни тайёрлаган. Бугунги кунда ушбу мактаб вилоядта ёш маҳоратли футболчиларни етиштириб бермоқда. Бундан кейин ҳам ушбу футбол мактабининг режалари жуда катта. Келгусида ушбу мактаб кўплаб республика ва Осиё чемпионларини тайёрлаб беришда ўзининг катта ҳиссасини қўшади.

### АДАБИЁТЛАР

1. "Ўзбекистонда футболни ривожлантириш ва футбол академик лицей-интернатларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги И.А.Каримовнинг 10 январь 2011 йилдаги Қарори.
2. "Ўзбекистон Республикасида футболнинг кейинги истиқболларини белгилаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг Қонуни 144-сонли; 18.03.1993.
3. "Ўзбекистон Республикасининг Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонуни" янги таҳрири 2015 й.
4. "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" Президент Фармони 2002 й.
5. "Ўзбекистонда Футбол тараққиёти жамғармасининг фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб-куватлаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг Қонуни 238-сонли; 06.07.1998.
6. Азизхўжаев А. Ҳужум ҳимоядан бошланади. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
7. Алиев М.Б, Усмонхўжаев Т.С, Сагдиев Х.Х. Спорт ўйинлари футбол. – Т.: Илм Зиё, 2007.
8. Нуримов Р.И. Ёш футболчиларни техник-тактик тайёрлаш. Ўқув қўлланма. – Т., 2005.
9. Нуримов Р.И. Турли тоифадаги футболчилар мусобақа фаолияти тузилишининг ташхисли таҳлили. Фан спортга №1. 2004.
10. Акрамов Р.А. Футбол. Дарспик. – Тошкент, 2006.